

Иқтисодий-хукукий газета

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

**СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ХУКУК**

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

## ҲАЛОЛ РАҚОБАТ САРИ

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни құллаб-қувватлаш давлат құмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида 2007 йилги фоалият якунлари күриб чиқылди ва Президент Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 8 февралдаги мажлисида белгиланған 2008 йилда иқтисодий испо-хотларни чукурлаشتаришнинг эң мұхим устувор вазифаларини бажариши ишләри мұхокама килинди. Давлаттамиз раҳбары таъқидлаганидек, монополияга қарши самарали сиёсат үтказилиши натижасыда кейинги 10 йил ичиде монополист корхоналар сони 3,5 баробар, монопол маҳсулоттар тури эса 26 баробар қысқарған. 2004-2007 йилларнинг ўзидегина ЯИМ умумий ҳажмида монопол маҳсулоттар улуши 26 фоиздан 21 фоизге түшганды.**

Үтган йили 146 товар ва хизматлар бозори үрганилди. Натижада Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестридан 63 хил маҳсулот ишлаб чиқардиган ва хизматлар күрсатадиган 42 корхона чиқарилди.

2007 йилда хокимларнинг 141 минг қарор ва фармайиши инвентаризация қилинганида 314 хужжатда монополияга қарши қонун хужжатларига зид бүлганды өки тадбиркорликни ривожлантириш түйілігі түсік күйдірган хукук зарлар аниқларнан да 10% күпайды. Бундан ташқары, кичик бизнес манбаатларини күзлаб, биржа саудолари орқали сотиш учун мажбурий күйладиган монопол маҳсулотнинг улуши 83%га қадар күпайды.

Мажбурий сертификатланадиган маҳсулоттар рўйхати 250 кичик позицияга қысқарди,

170 номдаги маҳсулот декларациялаш таоми-лия үтказылди, тадбиркорлар учун кадастр ишлари ва патент хизматлари тартиби содалаштырıldı ҳамда ҳараждатлар қысқартирилди, биржа битимларини амалга ошириши өнгіде кафолатларни таъминлаш учун бай пули (закалат) 2%дан 10%га күпайды. Бундан ташқары, кичик бизнес манбаатларини күзлаб, биржа саудолари орқали сотиш учун мажбурий күйладиган монопол маҳсулотнинг улуши 83%га қадар күпайды.

Табии монополия субъектлари ва монополист корхоналар маҳсулоти (хизматлари) нархлари (тарифлари)нинг асоссиз ўзиши олдини олиш

бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётганида 6,4 млрд сўмдан кўп миқдорда хукук зарлар аниқларни. 2007 йилда соглом рақобат мұхити ва қулаги ишбилармонлик шароити яратилиши туфайли 58 мингта кичик бизнес корхонаси барпо этилган.

Ўсишнинг барқарор ва мувозанатлаштирилган суръатларини таъминлаш, иқтисодийнің қайта тарқиблаш ва модернизациялаш, унинг эң мұхим тармокларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш учун илгари хусусийлаштирилган йирик саноат корхоналарининг ҳажалик фоалиятни ва молиявий-иктисодий ҳолати инвентаризация қилинди ҳамда фоалият юритмаётган, 50%дан кам қувват билан ишләётган 764 корхона аниқларни. 480 корхона учун ишлаб чиқариши техник модернизациялаш ва тиклаш дастурлари ишлаб чиқылди, 9,6 млрд сўм ва 7,9 млн доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилди. 198 ҳўжалик субъектида банкротлик таомиллари тугалланди.

Коммунал ҳўжаликда монополиядан чиқариш ва ушбу соҳага тадбиркорларни жалб этиш учун 221 локал қозонхона барпо этилди, уларни хусусий тадбиркорлик субъектлари бошқармоқда. Кўшимча равишда истеъмолчилар билан сув таъминоти хизматлари бўйича 11,2 млрд

сўмга ва иссиқлик таъминоти хизматлари бўйича 1,9 млрд сўмга шартномалар тузилди. Иссиқлик таъминоти бўйича дебиторлик қарзи 9,8 млрд сўмга қисқарди.

Қўмитанинг Истеъмолчилар хукукларини хўмоя қўлувчи жамиятлар федерацияси ва бошқа ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши натижасыда истеъмолчиларнинг хукукларини хўмоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузишлар аниқланиб, белгиланган тартибда истеъмолчиларнинг 131,1 млн сўм зарари қопланди. Асосий вазифаси истеъмолчиларнинг хукукий саводуни ошириш бўйлган «Истеъмолчилик» ижтимоий-иктисодий ҳафталик газетаси таъсис этилди. 2007 йилда Қўмита ва унинг худудий органларига 941 мурожаат ва шикоят хати келиб тушди, уларнинг 878 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди.

Ҳайъат Қўмита фоалитининг якунларини таҳлил қилди ва танқидий баҳолади, иқтисодий дастурнинг белгиланган устувор вазифаларини амалга ошириш механизмларини белгилади.

Ҳайъат 2008 йил учун Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг эң мұхим вазифаларини белгилади.

**Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг матбуот хизмати.**

## МЕЪЁРЛАР БЕЛГИЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сон қарорининг 21-бандига биноан кам таъминланган оиласларни давлат томонидан аниқ құллаб-қувватлашни кучайтириш мәқсадида 2008 йил 1 январдан бошлаб бола иккى ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши бўйича ижтимоий нафақаларни (кейинчалик нафақа деб келтирилади) бюджет соҳасида ишләётган оиласларга ўзини ўзи бошқарши органдар орқали тайинлаш ва тўлаш тартиби жорий этилиши тўғрисидаги тақлифи қабул қилинган эди.**

Ишләётган оиласлар болани иккى ёшга тўлгунгача парвариши қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 марта 1112-сон билан рўйхатга олинган «Исламайдиган оиласларга бола иккى ёшга етгунга қадар уни парвариши қилганини учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги **Низом (кейинчалик Низом деб келтирилади) таомиллари** асосида 2008 йил 9 марта дамалга оширилиши белгиланди. Яъни, ушбу нафақани тайинлаш ва тўлаш 2008 йил 9 марта бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органдарни томонидан амалга оширилади.

Эндилиқда мазкур Низомга биноан бюджет соҳасида ишләётган оиласларга ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 марта 1112-сон билан рўйхатга олинган «Исламайдиган оиласларга бола иккى ёшга етгунга қадар уни парвариши қилганини учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги **Низом (кейинчалик Низом деб келтирилади) таомиллари** асосида 2008 йил 9 марта дамалга оширилиши белгиланди. Яъни, ушбу нафақани тайинлаш ва тўлаш 2008 йил 9 марта бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органдарни томонидан амалга оширилади.

Демак, Низомда белгиланишича нафақани бюджет ҳисобидан тайинлаш учун кўрғон, қишлоқ, овлу, маҳалла фуқароларининг йигинида ёки ушбу нафақани тайинлаш ва тўлаш масалаларини ҳал этиш учун фуқаролар йигини ваколат берган комиссия томонидан қабул қилинган қарор асос бўлиб ҳисобланади.

Низомда белгиланган мезонларга мувофиқ келадиган оиласлардаги ишламайдиган оиласларга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга болани парвариши қилиш нафақаси **оила даромадини ҳисобга олган** ҳолда қўйидагиларга тайинланади:

а), ишламайдиган оиласларга ёки улар ўрнини босадиган шахсларга;

б) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта маҳсус ва ўтга ҳунар ўқув юртларидан пулли-контракт асосида ўқийдиган оналар ёки улар ўрнини босадиган шахсларга;

в) юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фоалияти билан шуғулланувчи оналарга (она ўрнини босадиган шахсларга), шунингдек фоалиятни юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширадиган дәхқон ҳўжаликлари аъзоларига.

Нафақа ҳар ойда, парвариши қилинадиган **болалар сонидан** ва мазкур нафақани оладиган шахснинг меҳнат стажидан қатын назар, белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида белгиланди.

Нафақа фуқаролар ўзини ўзи бошқарши органига мурожаат қилинган ойидан, лекин бола иккى ёшга тўлган ойдан ошиб кетмаслиги керак. Уни тўлаш жорий ой учун амалга оширилади.

Нафақа кўргон, қишлоқ, овлу, маҳалла фуқароларни йигини ёки маҳсус ваколати комиссия томонидан, она ёки амалда болани парвариши қилаётган бошқа шахс кўргон, қишлоқ, овлу, маҳалла фуқаролар йигини раиси номига берадиган ариза-сига асосан тайинланади.

Аризага кўйидагилар иловага қилинади:

а) боланинг түғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма нусха;

б) меҳнат дафтарчасидан кўчирма нусха – илгари ишләнганлар учун;

в) ариза топширилган ойгача оила аъзоларининг охирги ўн иккى ойдаги даромадлари тўғрисида маълумотнома;

г) боланинг ногиронлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ВКК холосаси кўчирма нусхаси (зарурат бўлганда);

д) никонинг бекор қилингани тўғрисида гувоҳноманинг кўчирма нусхаси ёки тегишли суд қарорларидан кўчирмалар (зарурат бўлганда);

е) оиласи бўлмаган болани амалда парвариши қилаётган шахслар оиласининг йўқлигидан далолат берувчи ҳужжат – боланинг оиласи вафот этганини тўғрисида гувоҳнома, она ни оналар ҳукуларидан маҳрум қилиш тўғрисида суд органдарни томонидан берилган маълумотномани ёки боланинг (болаларнинг) оиласи болани парвариши қилиш нафақасини олмас-лигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар.

Нафақа тайинлаш учун зарур ҳужжатлар белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларда тақдим этилади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳофаза қилиш мәқсадида кўйидагиларга нафақа оиласи даромадларини ҳисобга олмаган ҳолда сўзсиз тар-

тибда тайинланади:

а) тўлиқ бўлмаган оиласи (болаларни) тарбиялаётган ота ва оналарга. Бунда боланинг тўлиқ бўлмаган оиласи она (ота) томонидан тарбияланыш фактини, муайян ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органдарни белгилайди;

б) ногирон болани тарбиялаётган оналарга (ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга). Бунда болаларнинг қайси бири ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ.

Оилаларнинг муҳтоҷлигини белгилаш чоғида қўлланадиган энг кам иш ҳақининг ўртача ойлик миқдори нафақа сўраб мурожаат қилинган ойдан слдинги 12 ой учун ҳисоб-китоб қилинади.

Оилаларнинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган оиланинг жами даромадини белгилаш учун болани парвариши қилиш нафақасини олишига ариза билан мурожаат қилиш ойигача кейинги ўн иккى ой давомида олинган даромадларнинг барча турлари қўшилади.

Кўйидагилар даромадлар таркибида ҳисобга олиниади:

– солиқ солинадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий тусдаги бошқа тўловлар;

– шахсий ёрдамчи ҳўжаликдан олинадиган даромадлар.

Агар даромадларни ҳисобга олиш учун мурожаат қилинган ойдан аввалги 12 ой) давомида алоҳида ойлар учун иш ҳақи бўйича ҳисоблаб ёзишлар амалга оширилмаган бўлса, ушбу даврлар жами даромадни белгилаш чоғида ҳисоб-китобга қабул қилинмайди. Узок вақт иш ҳақи сақланмасдан мажбурий таътилларда (сурункасига З ойдан кўп) бўлган шахслар ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ходимлари бундан мустасно.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органдаридаги нафақаларни тўлашни тўхтатишга олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида:

а) парвариши қилинадиган оиласи иккى ёшга тўлганда;

б) оиласи таъсислаштирилган муассасага тўлиқ давлат таъминотига берилишида;

в) бола вафот этганда;

г) оила бола билан доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетганда;

д) ишга тушилганда;

е) бошқа жойга кўчганда;

ж) тайинланган муддатнинг биринчи ўн иккى ойи охирида ҳолат бўйича оила ҳар бир аъзосининг даромадлари белгиланган мезондан ошиб кетса.

## ДАЛА ТАЪМИНОТИ ХУСУСИДА

Ишларни дала шароитида бажариши режаларида назарда тутган отрядлар, нефть қидириш участкалари, геология-қидириш, топография-геодезия партиялари ва экспедициялари, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-тадқиқот ва шу каби бошқа ташкилотлар таркибида ишлар бажараётган ходимларнинг кўшимча харажатларини компенсациялаш мақсадида корхоналар дала таъминоти тўлайдилар.

Дала таъминотини тўлаш шартлари, тартиби ва унинг миқдорлари Дала (экспедиция) шароитида ишларни бажариш билан банд бўлган ходимларга таъминот тўлаш тўғрисида низом (Мехнат вазирлиги томонидан 1993 йил 2 июнда 6/24-сон билан тасдиқланган) ва Мехнат вазирлигининг 1993 йил 13 октябрдаги 2813-10-12-сон хати билан белгиланган. Мазкур Низомнинг амал қилиши Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 марта «Мехнатта ҳақ тўлашнинг ягона тариф септасини такомиллаштириш тўғрисида» 103-сон қарорининг 2-банди билан узайтирилган.

Агар улар ишларни амалга ошириш жойида жойлашган ва дала шароитида ишларни бажарадиган ташкилотларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган бўлса, дала таъминоти ноишлаб чиқариш соҳаси ташкилотлари ва ходимларига тўланиши мумкин. У турғун ташкилотлар сирасига киритилган, шунингдек шаҳарларда жойлашган ташкилотларнинг ходимларига тўланмайди. Дала таъминоти ҳар куни иш жойидан доимий яшаш жойига қайтиши имкониятига эга бўлган ходимларга ҳам тўланмайди.

Дала таъминоти эгаллаган лавозими ва маошибдан қатъи назар, дала ишлари обьектларида республика белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кунига 0,06 коэффициенти билан, ташкилотларнинг базаларида ишда 0,03 коэффициенти билан тўланади. Дала таъминотининг миқдори республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг иккى баравар миқдоридан ошмаслиги керак.

**I мисол.** Ходим геология-қидирив экспедицияси таркибида дала ишлари обьектида 15 иш куни мобайнида ишлар бажарган. Уларни бажариш пайтида энг кам иш ҳақи миқдори 18 630 сўмни ташкил қиласди.

Ходимга ҳисоблаб ёзилган дала таъминоти суммаси:

$$18 630 \text{ сўм} \times 0,12 \times 15 = 33 534 \text{ сўмни ташкил қиласди.}$$

Дала (экспедиция) шароитида ишларни бажариш билан банд бўлган ходимларга таъминот тўлаш тўғрисида низом билан белгиланган меъёрга кўра дала таъминоти суммаси: 18 630 сўм  $\times 0,06 \times 15 = 16 767$  сўмни ташкил қилиши керак. 16 767 сўм (33 534 сўм - 16 767 сўм) миқдорида меъёрдан ортиқча ҳисоблаб ёзилган дала таъминоти корхонадан олинадиган фойда солиги бўйича солинадиган базага киритилиши керак. Бундан ташқари, меъёрлардан ортиқча тўланган дала таъминоти компенсация тўловлари кўрнишида ходим даромадига киритилади ва унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги солинади (Солик кодекси 174-моддасининг 8-банди).

Белгиланган меъёрлардан ортиқча тўланган дала таъминоти суммалари, фикримизча, Солик кодекси 147-моддасининг 27-бандига кўра фойда солиги бўйича солиқ солинадиган базадан чегирilmайдиган харажатлар сифатида қаралиши керак (бошқа чегирilmайдиган харажатлар).

Дала таъминоти суммалари белгиланган меъёрлар

доирасида ҳам, ундан ортиқча ҳам тўланади, Солик кодексининг 308-моддасига асосан ягона ижтимоий тўлов солиш обьекти ҳисобланмайди.

Тушунтиришлар «Norma Eksperit» гурухи эксперталари томонидан тайёрланди.

Ходимга ҳисоблаб ёзилган дала таъминоти миқдори:

$$18 630 \text{ сўм} \times 0,06 \times 15 = 16 767 \text{ сўмни ташкил қиласди.}$$

Корхоналар дала таъминотини белгиланган меъёрлардан ошадиган миқдорларда тўлаб, уларни жамоа шартномасида тасдиқлашлари мумкин.



Сотиб олиш масалалари  
бўйича кўйидаги  
телефонлар орқали  
мурожаат килинг:

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 11 марта бошлаб валюта операторлари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан кўйидаги қийматини белгилайди:\*)

1 Австралия доллари	1207,02	1 Малайзия рингити	408,08
1 Англия фунт стерлинги	2584,10	1 Польша злотийси	560,08
1 Дания кронаси	265,77	1 СДР	2094,25
1 БАА дирхами	353,53	1 Туркия лираси	1059,63
1 АҚШ доллари	1298,15	1 Швейцария франки	1254,61
1 Миср фунти	237,54	1 ЕВРО	1979,42
1 Исландия кронаси	19,58	10 Жанубий Корея вони	13,68
1 Канада доллари	1313,25	10 Япония иенаси	125,69
1 Хитой юани	182,66	1 Россия рубли	54,07
		1 Украина гривнаси	257,06

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиши ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

### МДХ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	12.03.2008	1	0,8403	1	1,2924	1	0,0353
Арманистон	12.03.2008	1	309,2	1	476,42	1	12,98
Беларусь	13.03.2008	1	2146,00	1	3298,40	1	89,99
Грузия	13.03.2008	1	1,522	1	2,3372	1	0,0638
Коғозистон	13.03.2008	1	120,74	1	185,57	1	5,06
Латвия	13.03.2008	1	0,457	1	0,702804	1	0,0192
Литва	13.03.2008	1	2,2459	1	3,4528	10	9,4199
Молдавия	12.03.2008	1	10,8658	1	16,8196	1	0,4574
Тоҷикистон	12.03.2008	1	3,4507	1	5,2934	10	1,4463
Ўзбекистон	11.03.2008	1	1298,15	1	1979,42	1	54,07
Украини	12.03.2008	100	505,00	100	776,6395	10	2,1166
Эстония	12.03.2008	1	10,1542	1	15,6466	1	0,42636

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)

#### УСТУВОРЛИКЛАР

- Халол рақобат сари
- Меъёрлар белгиланган

1-бет

#### АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

- Дала таъминоти хусусида
- Валюталар курси

2-бет

#### БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР

- Алмати суди шундай хукм чиқарди

3-бет

#### АУДИТ

- Устав капиталида 50 фойздан ортиқ акциялар пакетига эга бўлган корхоналарда ташки аудит

#### ЎТКАЗИШГА РУХСАТ ОЛГАН АУДИТОРЛРИК ТАШКИЛОТЛАРИ

- Солик имтиёзлари - эл саломатлигига 4-бет

#### ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИ-ЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори:

- «2008-2012 йиллар даврида ишлаб чиқариш кувватларини модернизация қилиш асосида сифатли спортанкомпани, инвесторлари ва асбоб-ускуналаридан ишлаб чиқариши кенгайтириш дастури тўғрисида»

#### Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:

- ЎзР МВ, ДБКнинг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва Давлат божхона кўмитасининг айрим норматив-хукукий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» ги қарори;

- ЎзР ДСКнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг айрим норматив-хукукий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» ги қарори;

- ЎзР ДБКнинг «Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисидағи низомга ўзgartirish» ги қарори;

ва кўшимчалар киритиш ҳақида» ги қарори;

- ЎзР ДБКнинг «Божхона юқ декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидағи ўйрекномага ўзgartirish» ги қарори;

- ЎзР МВ, ДБК, ТИАИСВнинг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ва Ташки иктисолий алокалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг айрим норматив-хукукий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» ги қарори;

5-10-бетлар


#### БИЗНЕС-ПАНОРАМА

11-16-бетлари

#### • РЕКЛАМА



Самая крупная сеть офисов в странах СНГ и 300 агентов по всему миру



#### STS Logistics

Московский офис

Тел. + (495) 775-02-02 Факс + (495) 775-02-01

e-mail: stsmow@stslogistics.net [www.stslogistics.net](http://www.stslogistics.net)

#### STS Logistics

Ташкентский офис

Тел.: +(99871) 132-24-12, 133-52-26

Факс +(99871) 132-23-31

</div

## Бизнинг маслаҳатлар

Эксперт юридик хизмати маслаҳат беради

### АЛМАТИ СУДИ ШУНДАЙ ҲУКМ ЧИҚАРДИ

**Олди-сотди шартномасига кўра Қозогистон Республикасида таъсис этилган юридик шахс (харидор) Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган юридик шахсдан (сотовчидан) сифатсиз товар харид қилди. Алмати шаҳар судининг ҳал қилув қарори билан харидорнинг даъвоси тўлиқ қондирилди. Алмати шаҳар судининг ҳал қилув қарори Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан тан олиниши учун нима қилиш лозим? Судга қандай хўжатларни тақдим этиш керак? Улар тақдим этилаётганида давлат божи тўланадими? Мазкур иш бўйича суд жараёни тайинланадими? Алмати шаҳар судининг ҳал қилув қарорини тан олишдан ташқари, жавобгарнинг мол-мулки ва пул маблағларини хатлаш мумкини? Ариза бераётгандан кейинги ҳаракатларимизда нималарни назарда тутишимиз лозим?**

Б.Ахметжанов.

- Фуқаролик процессуал кодексининг 391-моддасига кўра чет давлат судлари ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини Ўзбекистон Республикасида ижро этиш тартиби тегиши халқаро шартномалар билан белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси билан Қозогистон Республикаси ўртасида хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида икки томонлама шартнома имзоланмаган. Бироқ Чет эл давлатлари судлари (арбитражлари)-нинг қарорларини ижро этиш бўйича суд амалиёти шарҳи (Олий хўжалик суди Раёсатининг 1998 йил 26 марта қарори билан маъкулланган) маъносидан келиб чиқсанда чет эл давлатлари хўжалик судларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижро қилиш тўғрисидаги ишлар қўрилаётгандан Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари фуқаролик, оиласий ва жинонай ишлар бўйича хукуқий ёрдам ҳамда хукуқий муносабатлар тўғрисидаги икки томонлама шартномалар коидаларига амал қилишлари мумкин. Шу сабабли бизнинг жавобимиз мазкур давлатлар томонидан 1997 йил 2 июня Алмати шаҳрида имзоланган Фуқаролик, оиласий ва жинонай ишлар бўйича хукуқий ёрдам ва хукуқий муносабатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Қозогистон Республикаси ўртасида шартномада<sup>1</sup> (бундан кейин – Шартнома) назарда тутилган қоидаларга асосланади.

Шартнома 55-моддасининг 1-бандига кўра Алмати шаҳар судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш учун Тошкент шаҳар хўжалик судига **Алмати шаҳар судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва маж-**

бурий ижро этишга рухсат бериш тўғрисида илтимоснома тақдим қилиш зарур. Унга қўйидагилар илова қилиниши керак:

1) ҳал қилув қарори ёки унинг тасдиқланган нусхаси, шунингдек ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганилиги ва ижро этилиши кераклиги ёки агар қарорнинг ўзидан келиб чиқмаса, у қонуний кучга кирганига қадар ижро этилиши кераклиги тўғрисида расмий хўжат;

2) унга нисбатан ҳал қилув қарори чиқарилган, суд жараёнида иштирок этмаган тараф тегиши тартибда ва ўз вақтида судга чакрилганлиги кўрсатилган хўжат;

3) уни жўнатиш пайтида ҳал қилув қарори қисман ижро этилганлигини тасдиқлайдиган хўжат;

4) шартномага кўра судга тегишилик ишлари бўйича тарафларнинг келишувини тасдиқлайдиган хўжат (Шартнома 54-моддасининг 2-банди).

Илтимосномага ва қозоқ ёки бошқа тилда (бундан ўзбек ва рус тиллари мустасно) тузиленган мазкур хўжатларга кўрсатилган хўжатларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси (тасдиқланган тарзда) илова қилиниши керак (Шартнома 54-моддаси 3-бандининг маъносидан келиб чиқсанда).

Шартнома 2-моддасининг маъносидан келиб чиқиб, судга Қозогистон Республикаси судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш тўғрисида илтимоснома билан муроҷаат қилган шахс давлат божиши тўлашдан озод қилинади.

Иш бўйича суд жараёни тайинланмайди. Шартнома 55-моддасининг

2-бандига мувофиқ ҳал қилув қарорини тан олиш ва мажбурий ижро этилишига рухсат бериш тўғрисида илтимосномани кўриб чиқаётган суд Шартномада назарда тутилган шартларга риоя этилганлигини белгилаш билан чекланади. Агар иш Алмати шаҳар суди томонидан кўрилаётганида Шартнома шартларига риоя этилган бўлса, Тошкент шаҳар суди мажбурий ижро этиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқаради.

Мазкур ҳолда суд мажбурий ижро этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарганидан кейингина суд ижрочиси томонидан ижро ишини юритиш доирасида **жавобгарнинг мол-мулки хатланиши мумкин. Суд ижрочиси томонидан Алмати шаҳар суди ҳал қилув қарорининг талабларини жавобгар ихтиёрий ижро этиши учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг<sup>2</sup> тугаши мажбурий ижро этишнинг бундай чорасини кўллаш асос ҳисобланади.**

Илтимоснома тақдим этилаётгандан Тошкент шаҳар суди қўйидаги ҳолларда Алмати шаҳар судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этишини рад қилиши мумкинлигини назарда тутиш керак, яъни:

- агар ҳал қилув қарори Қозогистон қонун хўжатларига мувофиқ қонуний кучга кирмаган бўлса (бундан ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганига қадар ижро этилиши керак бўлган ҳоллар мустасно);

- унинг ваколатли шахсига судга чакрирув қоғози ўз вақтида ва лозим дараҷада топширилмаганлиги оқибатида жавобгар (олди-сотди шартномаси бўйича сотовуви) суд жараёнида иштирок этмаган бўлса;

- мазкур иш бўйича ушбу тарафлар ўртасида, худди шу предмет тўғрисида ва худди шу асос бўйича Ўзбекистон ҳудудида илгари қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори чиқарилган бўлса ёки учинчи давлат судининг тан олинган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса ёхуд агар Ўзбекистон ҳудудида илгари мазкур иш бўйича иш юритиш амалга оширилган бўлса;

- мазкур ишни кўриш факат Ўзбекистон хўжалик судининг ваколат доирасига кисра;

- шартноманинг судга тегишиликни тасдиқлайдиган хўжат мавжуд бўлмаса;

- Алмати шаҳар судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайдан бошлаб уч йиллик<sup>3</sup> муддат тугаган бўлса (Шартнома 56-моддасининг маъносидан келиб чиқсанда).

**Екатерина БУХТИЯРОВА,  
«Norma» МЧЖ  
эксперт-тахлилий  
хукуқий материалларни  
тайёрлаш  
бўлимининг юристи.**

### ФИЙБАТ ОҒИЗГА... ТУШОВ

**Биз билан рақобатлашувчилар сифати паст хом ашёдан маҳсулот чиқариши деб гап тарқатишибди. Буни учтүртта мижозларимиздан эшитдик. Нима қилсан бўларки?**

- Галати туюлса ҳам сизларни табрикласа бўлади. Компаниянингиз обрў-эътиборига доф соладиган овозалар тарқатиш билан рақибларингиз ошкора бўлмаса ҳам ҳалай сизни ҳисоблашмаса бўлмайдиган рақиб деб эътироф этмоқдалар. Гап-сўз, шов-шувларга энг муносаб жавоб уларга парво қилмаслик дейишиди. Оқлаш маъносидаги ҳар қандай гапни истеъмолчи гуноҳсиз қилиб кўрсатишга уриниш деб тушуниши мумкин.

Аммо овозалар узлуксизлик касб этиб, тизим мисол тарқалаётган бўлса, уларга эътибор қилмаслик, юмшоқроқ қилиб айтганда, ажабланарлидир. Ўлаш, излаш, қандайдир чалғитма вазиятлар яратиш йўли билан бўлса ҳам муаммони ҳал этиш керак. Агар овозаларга билимдонлик ва укўв билан қарши турса билсангиз, улар ҳатто сизнинг фойданига иш беради. Шундай кезлари истеъмолчи билан дадил алоқага чиқиб, маҳсулотингиз бошқаларнидан яхши эканлигини амалда кўрсатиб беринг.

Мабодо маблаг бобида қўйналмайдиган бўлсангиз, савдо нуқталарида маҳсулот намуналарини бепул тарқатиш ва синаб кўриш ишларини ташкил этинг. Ўз дистрибуторларнингизга вақтингча бўлса ҳам хуш келадиган шартлар таклиф этинг. Товарларнингиз қанча кўп жойда намоён этилса, унинг сифатига бўлган қарши турса билсангиз, улар ҳам мумкин. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деган нақл амал қилади.

Борди-ю, рақобатчиларнинг гапида жинек бўлса ҳам ҳақиқат бўлса, арzonроқ хом ашёдан фойдаланиш сабабини бўрттириброк кўрсатинг. Айтайлик, сиз сунъий модда билан алмаширишга мажбур бўлган ўсимлик қизил китобга кирганилигини айтинг. Аёллар мой упадан камиди яrim ийил фойдаланишиди, унинг бундан ҳам узокроқ муддат сифатини ўзgartирмай яхши сакланаб туриши учун синтетик кўшимча кераклигини тушунтиришдан ҳам тортинманг. Дарвоqe, атиру чиқарувчи компаниянинг аксарияти ана шу важни рўйача қилишади.

Бошқа бир йўли мижозларнингизнинг эътиборини маҳсулотингизнинг кучли томонига тортишдир. Айтайлик, сиз ишлатадиган хом ашё экологик жиҳатдан тоза минақаларда етиширилишини, истеъмолчига ҳавола этилаётган маҳсулотингиз витаминалар ёки фойдалари билан бойитилганлигини дадил айтаверишингиз мумкин.

### МИЖОЗЛАРНИ ЙЎЛДАН УРИШМАСИН ДЕСАНГ

**Битта компания мижозларимизни беорларча йўлдан уроқда. Бунга қарши бирон иш қилса бўладими?**

- Рақобат кучайиб, авж палласига чиқадиган бозорларда мижозларни йўлдан уриш шунчаки оддий гап. Бунда компаниялар рекламалири рақобатчиларнинг идораси яқинига ўрнатишидан унинг мижозларига бирма-бир кўнғироқ қилишга бўлган ҳар хил усуллардан фойдаланишлари мумкин. Бундай фирромлик билан тикка курашиб бўлмайди. Тўғри, ана шундай ҳаракатларни ишбилармонлик доираси ва одоби нормаларига мувофиқ эмас деб эътироф этса бўлади. Агар рақобатлашувчи компания ўзининг ишчанлик обрў-эътиборини қадрлайдиган бўлса, бундай амалиётдан воз кечади. Буни у ихтиёри радишида қилиши мумкин. Негаки, сиз айтган ҳолатларда юридик таъкид этиш восита ва механизми йўк.

Мижозларни йўлдан уришларига йўл қўймасликнинг бирдан-бир самарали усули ўз маҳсулот ва хизматларнинг сифати устида тинмай иш олиб бориша, рақобатлашувчилар шунга ўхшаш иш қилгунларига қадар ижобий ўзгаришларнинг ҳақида бонг уришнинг даркор. Агар вазият кўтарса, фаразли ниятдаги йўлдан урувчига қарши бозордаги бошқа иштирокчилар билан бирлашиб ҳаракат қилиб кўриш керак. Колаверса, сиз риоя этадиган принциплар йўл қўйса, рақибинингизга унинг ўз усули билан жавоб зарбаси беришингиз мумкин.

**Бизнесда муаммога дуч келдингизми? Марҳамат, саволларнингизни [normapress@mail.ru](mailto:normapress@mail.ru) манзилига юборинг. Биз ўз тажрибализга, қолаверса етакчи маслаҳатчиларнинг сифати устида тинмай иш олиб бориша, рақобатлашувчилар шунга ўхшаш иш қилгунларига қадар ижобий ўзгаришларнинг ҳақида бонг уришнинг даркор. Агар вазият кўтарса, фаразли ниятдаги йўлдан урувчига қарши бозордаги бошқа иштирокчилар билан бирлашиб ҳаракат қилиб кўриш керак. Колаверса, сиз риоя этадиган принциплар йўл қўйса, рақибинингизга унинг ўз усули билан жавоб зарбаси беришингиз мумкин.**

#### • РЕКЛАМА

**БЕРАТОР –**  
**ишлиш ҳам осонлашди!**

БЕРАТОР  
РОССБУХ

Илгари бухгалтер конун МАТНИНИ ўқиб, уни кўллашга уринарди. Бариги баязан янгишарди... Энди ишнинг кўзини биладиган мутахассис «БЕРАТОР»дан фойдаланади, унда ўтказмалар, мисоллар, тушунтиришлар, қонунларга ҳаволалар билан бухгалтерия хисобининг ҳар бир мавзуси бўйича ВАЗИЯТЛАР фирманинг бутун фаолиятини тўла қамраб олади.

Бухгалтерия + Солиқ солиш + йилига 12 та янгилаш = 117 минг сўм ёки 40 минг сўм ва бўлиб-бўлиб тўлаш. Шунингдек СДда ва ўзбек тилида.

Шунингдек «Рахбар бератори» фирманинг бутун фаолиятини ўз ичига оладиган 800 та бошқарув вазияти ва «Мансабдор шахслар ва ташкилот жавобгарлиги» бўлими

**Диккат, АКЦИЯ!**

25.02 дан 31.12.2008 йилгача «БЕРАТОР» харид қилишга шартномаларнинг рақамлари бўйича диагонали 72 см, Slim моделидаги «Ройсон» телевизор ўйналади!

«Академпресса» ва БТАЛ. Тел.: 142-05-42, 142-06-96, 142-14-10, 380-93-52 (ички назорат бўлими). Бератор фрагментлари, сарлавҳалар ва шартномалар факс ёки e-mail орқали: [uzberator@rambler.ru](mailto:uzberator@rambler.ru). Демоверсия [www.berator.uz](http://www.berator.uz) да, вилоятларга етказиб бериш.

Вилоятлардаги вакиллар: Андижон ш. 8-374-2262211, Наманган ш. 8-369-23202-73, 3413, Навоий ш. 8-436-223-56-10, Кўкун ш. 8-37355-28374, Фарғона ш. 8-373-223-61-99, 998-98-576, Самарқанд ш. 8-366 (2)-222402, 343250

**ЯНГИЛАНУВЧИ ҚЎЛЛАНМАЛАР**

Конун хўжатларига ўзгаришлар киритилдими?  
Янги Солиқ кодекси чиқдими??

**Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???**

**ҚЎЛ ОСТИНГИЗДА ҚЎЛЛАНМАЛАРИМIZ БЎЛСА, БУ МУАММО ЭМАС**

**“АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ”**

1 жилд –

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги шуни маълум қилади, Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташкилтари аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 2007 йил 28 марта 1668-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ. Давлат мулки кўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан илова қилингандан Рўйхат тасдиқланди.

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат мулки кўмитаси  
раисининг ўринбосари  
А.ДАЛИЕВ.  
04/12-370-сон

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг ўринбосари  
Ё.ТУРСУНОВ.  
ЁТ 17-02-32/227-сон

2008 йил 3 марта.

### Устав капиталида 50 фоиздан ортиқ акциялар пакетига эга бўлган корхоналарда ташкилтари аудиторлик ташкилотлари Рўйхати

T/r	Аудиторлик ташкилотлари номи	Минтақа
<b>Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш хуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари</b>		
1	"Impuls Audit" МЧЖ	Тошкент ш.
2	"Buxgalter-Audit" МЧЖ	Тошкент ш.
3	"Konsauditinform" ЁАЖ	Тошкент ш.
4	"ARHAT Audit" МЧЖ	Тошкент ш.
5	"Marikon-Audit" МЧЖ	Тошкент ш.
6	"KORIFEY-AUDIT" аудиторлик фирмаси	Тошкент ш.
7	"Аудит Глобал Маълумот" МЧЖ	Тошкент ш.
8	"Leksan Info" аудиторлик фирмаси	Тошкент ш.
9	"Ekoaudit" МЧЖ	Тошкент ш.
10	"FINEKS" аудиторлик фирмаси	Тошкент ш.
11	"Global-Audit" МЧЖ	Тошкент ш.
12	"Audit" МЧЖ	Фарғона вилояти
13	"Марҳамат-аудит"	Андижон вилояти
14	"TTT-AUDIT" МЧЖ	Фарғона вилояти
15	"DOK-AUDIT" МЧЖ	Тошкент ш.
16	"TSIAR - AUDIT" МЧЖ	Тошкент ш.
17	"FTF-AUDIT" аудиторлик фирмаси	Тошкент ш.
18	"ZIYO-AUDIT" ЁАЖ	Андижон ш.
19	"HOLIS GURUH" МЧЖ	Тошкент ш.
20	"Konsaudit-Adolat" МЧЖ	Тошкент ш.
21	"Mak Alyans Audit" аудиторлик компанияси	Тошкент ш.
22	"TRI-S-Audit" МЧЖ	Тошкент ш.
23	"Audit Inkam" МЧЖ	Тошкент ш.
24	"Ernst&Young" МЧЖ	Тошкент ш.
Хўжалик юритувчи субъектларда ташаббускор ва мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказиш хуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари, устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ очиг акциондорлик жамиятлари, банк ва сугурта ташкилотлари бундан мустасно		
25	"AUDIT-KIM" МЧЖ	Тошкент ш.
26	"Akademik Audit" МЧЖ	Фарғона вилояти
27	"Audit-Varn" МЧЖ	Тошкент ш.

### Ижтимоий муҳофаза

## СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ – ЭЛ САЛОМАТЛИГИГА

Республика Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириши Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3923-сон қарори ахолини тиббий муҳофаза этишда янги имкониятлар эшигини очиб берди. Хусусан, Фармон талабига кўра, ахолига пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) тиббиёт муассасаларининг товарлар (иш, хизматлар) сотиши ҳажмларидан тушадиган даромадларидан Пенсия жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар ва ягона ижтимоий тўловлардан бошқа барча солик ҳамда мажбурий тўловлардан 5 йил мuddатга озод этилганлиги эл саломатлиги муҳофазасини янада кучайтириша ўзига хос омил бўлди. Бу ҳақда Самарқанд шаҳридаги «Шифокор ЛДА» хусусий фирмаси раҳбари Баҳора Мўминова шундай дейди:

– Ушбу Фармонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишини янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган, уларнинг амалиёти бевосита эл саломатлиги муҳофазаси билан чамбарчас боғлиқdir.

Фармонда, шунингдек, пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан тушадиган даромадлардан олинадиган солик борасида бир қатор имтиёзлар белгиланганки, ушбу имтиёзлар кўшимча молиявий манба сифатида даволаш-профилактика ишларини янада яхшилашда асосий омил бўлиб хизмат қиласди. Масалан, бизнинг «Шифокор-ЛДА» хусусий амбулатория-даволаш муассасасизда ахолига 2008 йил давомида 19 млн сўмлик пуллик тиббий

хизмат кўрсатиш мўлжалланмокда. Агар шу хизмат ҳажмини амалга оширасек, давлатга тўланиши лозим бўлган 1,5 млн сўм миқдоридаги ягона солик тўловидан озод этилган маблағлар корхона ихтиёрида қолади. Беш йил давомида кўлланилган солик имтиёзи туфайли орттирилган маблағ 7,5 млн сўмга етар экан. Ўйлайманки, шунча миқдордаги кўшимча молиявий манба ҳар қандай кичик ва ўрта хусусий тиббиёт муассасасининг оёққа туриб олишини таъминлайди. Энг муҳими, солик имтиёзлари сифатини яхшилашга, тиббиёт муассасасини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга имконият яратилади.

**Сулаймон ҲУСАИНОВ**  
ёзид олди.

### Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари Рўйхати

(2008 йил 1 марта ҳолати бўйича)

T/r	Аудиторлик ташкилотлари номи	Лицензия рақами	Лицензия берилган сана	Лицензия тури (Президентининг 4.04.2007 йилдаги ПК-615-сон қарори таалабларига мувофиқ)
1	"Liga-audit" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00001	29.12.2007	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
2	"DAVR" МЧЖ	00005	25.02.2008	Хўжалик юритувчи субъектлар ташаббускор ва мажбурий аудиторлик текширувлари, устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ ОАЖ, банк ва сугурта ташкилотлари бундан мустасно
3	"AUDIT" хусусий аудиторлик корхонаси	00012	30.01.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
4	"Ажур-плюс" МЧЖ	00015	12.09.2007	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
5	МЧЖ шаклидаги "Ишонч" аудиторлик-маслаҳат фирмаси	00022	20.02.2008	Хўжалик юритувчи субъектлар ташаббускор ва мажбурий аудиторлик текширувлари, устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ ОАЖ, банк ва сугурта ташкилотлари бундан мустасно
6	МЧЖ шаклидаги "MARIKON-AUDIT" аудиторлик фирмаси	00030	14.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
7	"BUXGALTER-AUDIT" МЧЖ	00035	25.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
8	"HOLIS GURUH" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00064	13.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
9	МЧЖ шаклидаги "NAZORAT-AUDIT" аудиторлик ташкилоти	00067	11.02.2008	Хўжалик юритувчи субъектлар ташаббускор ва мажбурий аудиторлик текширувлари, устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ ОАЖ, банк ва сугурта ташкилотлари бундан мустасно
10	МЧЖ шаклидаги "SAM KELAJAK AUDIT" аудиторлик ташкилоти	00083	4.02.2008	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
11	"KOMIL-ISHONCH" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00121	26.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
12	"IMPULS AUDIT" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00139	12.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
13	"EKOAUDIT" МЧЖ	00147	7.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
14	"TSIAR-FINANS" МЧЖ	00153	14.02.2008	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
15	"TAT-Audit" МЧЖ	00163	6.02.2008	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
16	"АУДИТ-ВАРН" МЧЖ	00172	5.02.2008	Хўжалик юритувчи субъектлар ташаббускор ва мажбурий аудиторлик текширувлари, устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ ОАЖ, банк ва сугурта ташкилотлари бундан мустасно
17	"Marhamat-audit" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00179	20.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
18	МЧЖ шаклидаги "AUDIT INKAM" аудиторлик компанияси	00181	29.12.2007	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
19	МЧЖ шаклидаги "Xarakat-audit" аудиторлик ташкилоти	00189	6.02.2008	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
20	"GLOBAL-AUDIT" МЧЖ	00190	8.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
21	"KORIFEY-AUDIT" МЧЖ	00199	6.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
22	"FTF-AUDIT" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00202	18.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
23	"IFAT-AUDIT" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00205	22.02.2008	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
24	МЧЖ шаклидаги "ZIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти	00211	30.01.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
25	"Konsaudit-adolat" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00232	29.12.2007	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
26	"Audit-AS" МЧЖ	00255	11.01.2008	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
27	"Fineks" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00263	13.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
28	"Konsauditinform" ЁАЖ агентлиги	00300	20.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
29	"PROGRESS AUDIT" МЧЖ	00310	26.02.2008	Хўжалик юритувчи субъектлар ташаббускор ва мажбурий аудиторлик текширувлари, устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ ОАЖ, банк ва сугурта ташкилотлари бундан мустасно
30	"TTT-AUDIT" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00327	25.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
31	"LEKSAN INFO" МЧЖ	00346	15.02.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
32	"Dok-audit" МЧЖ	00358	31.01.2008	Барча хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текширувлари
33	"ZAMON-AUDIT" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00403	25.03.2002	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
34	"VOJIB-AUDIT" аудиторлик ташкилоти МЧЖ	00417	6.02.2008	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
35	МЧЖ шаклидаги "DIPLOMAT-AUDIT" аудиторлик ташкилоти	00463	14.02.2008	Ташаббускор аудиторлик текширувлари
